

Адабиётшунос Санобар Тўлаганова ва тадқиқотчи Анвар Алламбергенов суҳбати

Анвар Алламбергенов: Абдулла Кодирий ижоди ўзбек адабиётшунослигида энг кўп ўрганилган мавзу бўлишига карамай сиз яна ёзувчи ижодини мавзу сифатида танладингиз? Бунга эҳтиёж бормикин...

Санобар Тўлаганова: Ўзбек адабиётшунослигида Абдулла Кодирий ижоди кўб ва ҳўб айтилган мавзулардан биридир. Кодирийшунослик эса алоҳида тармок сифатида шаклланиб улгурди. И.Султон, М.Кўшжонов, С.Мирвалиев, У.Норматов, Б.Каримов сингари олимлар ёзувчи ижодини алоҳида монографик планда ўрганишган. Тушундим, нима янги гап айтдингиз демокчисиз. Мавзу бир канча талабларни эътиборга олишни зиммамизга юклайди. Ўзбекнинг буюк ёзувчиси хакида охорли гап айтиш мулоҳазаси, билиб билмай айтилганларни такрорлаб қўйиш андишаси масалага жиддийрок карашни талаб қилади. Аммо А.Кодирий шахсияти, сийрати, янги ўзбек насрининг пайдо бўлиш омиллари, миллий роман яратилиши, нишонни беҳато олиш, давр синовларидан омон ўтиш, ўзига содик қолиш, калтис лаҳзада ҳам Имонга содиклик, хуллас Кодирийнинг қувват манбаи нима деган саволлар бизни кизиктирди.

Ёзувчининг хасби холи унинг ижоди учун “олтин фонд”, шахсий захира. Таржимаи хол муаллиф кечмишини ўзида акс эттириб, ижодкор кечинмалари ва изтиробларини ўзида саклаган махфий ҳудуд саналади. Мана шу ҳудудда муаллиф асар тағкатламига жо бўлиб кетган сирлар, маълумотлар сакланади. Буни чуқуррок билиш учун ижодкор лабораториясига бир кур мўраламоқка жазм этдик. Эҳтиёж масаласига келсак, хар кимнинг ўз Кодирийси бор, хамма уни англаганича, билганича қабул қилади. Колаверса, хар кимнинг кўнглида ўз Отабеги, Қумуши, Анвари, Раъноси бор. Хар бир даврнинг ўз Отабеклари бўлиши хам табиий хол. Булар хаммаси тасаввур ва талкин холос, аслини хеч ким билмайди. Бизнинг мулоҳазалар хам кодирийшуносликда жуда катта янгилик бўлмаслиги мумкин, аммо кимгадир фикрлашга туртки берар. Абдулла Кодирий шахсиятига янгича ёндашув, шахс концепцияси доирасида муаммони ёритиш, ёзувчи ижодини унинг хаёти билан боғлиқликда ўрганиш, инсоний “мен” ва ижодий “мен” камровида кузатиш, асар матнини биографик контекст асосида таҳлил этиш ишимизнинг мазмунинини ташкил этади. Кўп холатларда Кодирийга идеал инсон сифатида ёндашилади, аммо у хам тирик жон. Манбаларда ёзувчининг мураккаб феъл-атвор эгаси эканлиги айтилади. Ёзувчи кескин ва тўғрисиўзлиги билан тенгдошларидан ажралиб турган, хаммабоп бўлишдан чекинган. Тўғрисиўз ва адолатпарварлик унинг характеридаги етакчи белгилардан биридир. Жойи келганда хе кимни аямаган, сўзини ўтказган. Отабек, Юсуфбекхожи, Анвардаги нур ёзувчининг ўзига тегишли десак, Тошпўлат тажанг, Калвак махзум табиатидаги ўзига хос жихатлар қаердан олинган? Назаримда бу каби образлар хам аслида ёзувчи “мен”ининг сачраткиларидир. Тошпўлатнинг тажанглиги, Калвак махзумнинг дин-у диёнат йўлидаги жохиллиги, ўзини ўзи фош қилиши сизга кимнидир эслатмайди-ми? Инсон рахмоний ва шайтоний хислар орасида умргузаронлик қилар экан, нега энди ёзувчи зоти бундан мустасно бўлиши

керак?! Ижодкорни идеал инсон макомида кўриш одатга айланган, аммо у ҳам тирик жон, хар доим ҳам нафсини жоловини тута олмайди, бандалик килиб кўйиши хеч гап эмас. Аммо шахсият чин инсонлик макомида нафсининг жоловини тутуди, рахмон йўлидан юриди, манфатлардан юкори кўтарилади. Ишда бизни кўпрок ёзувчи шахсияти, ижодий “мен” ва инсоний “мен”нинг уйгунлик масаласи кизиктирди, айнан шу нуқтаи назардан ёндашдик. Колаверса, шахсият ва ижод кенг камровли тушунча, шахсият ижод оркали, ижод эса шахсият воситасида очилади. Абдулла Кодирий хакида энг охирги гаплар айтилиб бўлди, дейиш тўғри эмас. Саънат, адабиёт дахлсиз худуд, мавзулар танлаш ҳам оддий тасодиф бўлмаса керак. Ёзувчи рухани калбан хис килиш, унинг “мен”ини англаш, кўнгил битикларини тушуниш тадқиқотчини рухан якинлаштиради. Мана шундай якинлик хис килинсагина “англаш” ва “тушуниш” бир қадар ўзини оклайди, назаримизда....

— Кодирий шахсиятининг ўзига хослиги нималарда кўринади ва бошка тенгдош ижодкорларидан қайси жиҳатлари билан фаркланади?

— Шахсият масаласи адабиётда хал қилувчи ахамиятга эгадир. XX аср аввалида ўзбек маърифатпарварлари миллат қайғусида “акбари жиҳод” қилдилар. Бехбудий, Муннаварқори Абдурашидов, Фитрат, Абдулла Кодирий, Чўлпон сингари улугларнинг хар бири алоҳида феноменал ходиса. Хар қайси улкан адабий шахсият.

Абдулла Кодирий шахсиятини чуқурроқ англаш учун адиб сийратини таниш, у камол топган оила, адабий муҳит, ёзувчи яшаган тарихий-адабий жараён, ижтимоий-сиёсий вазиятни яхши билмок талаб этилади. Адиб таржимаи холидаги биргина фактор кўп нарсаларни очиклайди. Рус истилосига қарши газовотда иштирок этган ёзувчининг отаси Кодирмухаммад бобонинг хаёт йўли ёзувчи руханиятга жиддий таъсир ўтказган. Отасининг Туркистон хонликлари тарихидан қилган хикоялари унинг романларига тағзамин бўлиб хизмат қилгани қаби биографик унсурлар адиб шахсиятининг камол топишида муҳим роль ўйнаган. Ёзувчи ижодида Хақиқат ва Адолат, Маърифат ва Жаҳолатга қарши қурашиш эътикод даражасида. Адабиёт эса адиб учун “муқаддаси хизмат”.

Манбаларда ёзувчининг тергов жараёнларида қийноқларга бўйсунмай ўзгаларга тухмат қилишдан ўзини саклай билганлиги кўп айтилади. Бунинг сирини нимада? Шахсий бутунлик Яратганни таниш, рухий хуррият, фикрий мустикаллик, хаёт моҳиятини англашдан бошланади. Тарихнинг сирли пардаси ортига бекинган фактлар, хужжатли манбалар А.Кодирийнинг Ўзига, Ўзлигига содиқ қолганлигини, энг оғир лаҳзаларда ҳам Хақиқатнинг кўзига тик қарай олганидан хабар беради. Адибни саклаган қуч Имон нури ва Миллат қайғуси. Кодирий нафсига бўйсунмай, ўзлигини саклаб қилишга эриша олган ижодкорлар сирасига қиради, Кодирий хаёти давомида Илохий адолатга ишонди, мана шу ишончга таяниб яшади. Бу ишончнинг сирини Оллох ҳузурдаги савол-жавоб андишаси ва ажр умидворлиги. Ёзувчи хар қандай қалтис лаҳзада бугун бўладиган қийноқдан қочиб бировни сотиш, эртага ўзини ўзи тутиб бериш эканлигини оғишмай ёдда тутди. Бош эгиб, ёлгон сўзлагандан кўра “хўрликдан ўлим тансиқрок”, дея олишга ўзида қуч топа билди.

Ижодкор табиатидаги ҳалоллик, адолатпарварлик, фикрий мустикаллик, жасорат ва

журъат уни бошка тенгдошларидан ажратиб турар эди. Назаримда, ижодкорнинг кайта-кайта судланиши хам унинг мана шу феъл-атворидаги жихат билан боглик бўлса керак, деб ўйлайман. Адиб шахсияти унинг суддаги нутки мисолида очикланади. Худди мана шу маъруза адибнинг хаётий формуласини ўзида акс эттиради. Ёзувчи бир неча сахифалик нуткида шахс сўзини турли охангда кўллайди. “Шахсий адоват”, “шахсий рохати йўлида элни эмиб”, “баъзи устолпарст, танпараст шахсларимиздан киноядир”, “шахсий хазил”, “шахсий бутунлик”, “мустакил шахс”, “шахсини кўра олмайсиэ” (шахси ноаник –С.Т.), “мен турлик бўхтон, шахсият ва сохталар” билан “бир неча шахсларнинг орзусича маънавий ўлим билан ўлдирилдим” деб ёзади. Ёзувчи ўзига кўйилган айблов маколосига эмас, балки шахсига нисбатан эканлигини яхши билган ва эътиборни шахсий муносабатлар масалосига қаратган.

Маъруза кодирийшуносликда жуда кимматли манба сифатида кадрлидир. Даврнинг нафаси ва босимини ўзида мухрлаган маъруза матни ўз даврнинг тарихий-адабий жараёни билан боглик кизик маълумотлар хакида бизга хабар беради. Мазкур суд воқеалари ёзувчи хаёти ва рухиятига жиддий таъсир ўтказади. Тўғрироғи унинг рухияти, ижодкорлик позицияси, инсоний эътиқоди яна бир бора синовдан ўтади. Суд жараёнлари ёзувчини янада улгайтиради, Рухиятини юксалтирди. Ёзувчи кимсалар томонидан тайёрланган фитнани имон йўлидаги имтиҳон ўрнида қабул қилади ва шунга муносиб равишда жавоб беради.

Адабий шахсиятлар миллат маънавиятида катта роль ўйнайди. Биргина, шоир Ш.Рахмон шахсияти унинг ижодининг асл мохиятини белгилаб бергани рост-ку! Афсуски, бугун адабиётимиз мана шундай шахсиятларга мухтож, зиёлилар орасида миллий бирдамлик руҳи йўқ, адабиёт воситага айланиб бормокда. Бугун зиёлиларимизнинг ўрни адабий жараёнда сезилмайди... Улар гуё бефарқ томошабинга айланиб қолгандай... Миллат диди ва савиясини нафси йўлида суъистемол қилаётган ишбилармон ёзувчилар ўзини реклама қилиб берадиган адабий далолларни ёнига олиб машхурлик йўлида оворалар. Бугун катта авлод ижодкорлари ўзларини четга тортган, адабиёт майдони “от минганники”. Уюшма раҳбарлари давлат қарорларини адабийлаштириш йўлида номигагина кечалар ўтказади, фактлар тўплайди, очко йигади, хисобот учун баённомалар йиғиш билан овора. “Маъни” чекиниб, “сурат”лар фаоллашган

— Ўзбек ўқувчиси Абдулла Кодирӣни авваламбор романнавис сифатида билади. Аммо унинг журналистик фаолияти ўзбек матбуотининг шаклланишида тутган ўрнига кўп хам эътибор беравермайди. Унинг публицистикасини қандай баҳолаган бўлар эдингиз?

— XX аср аввалида ўзбек матбуоти шаклланди, элнинг эътиборини тортди. Маърифатпарварларимиз миллат манфати йўлида хурфикр, хамфикр, хаммаслак бўлиб бирлашдилар. Бехбудий ёзишмаларида “Матбуотда миллий таъсир коммунистик таъсирдан қучли” эканлигини таъкидлаган. Абдулла Кодирӣнинг кичик жанрдаги асарлари, журналистик фаолиятининг ўзи алоҳида ходиса, миллат тарихидаги мураккаб тарихий-адабий жараёни қамраб олади. Адибнинг журналистик фаолиятида эл раванқи йўлидаги қайғусини аччиқ ва аламли қулғи, аёвсиз фош этиш устуворлик қилади. Унинг публицистикасида Исён ва Нафрат хисси етакчи мотив саналади. Кундан кунга қўлдан кетаётган миллат истикболининг алами ёзувчини қурашга чақирди ва мана

шу кураш майдони Матбуот бўлди.

Муаллиф 1914 йилдан то хаётининг сўнгги кунларигача ўзини ўзбек матбуоти билан боғлади. Ўзбек матбуотининг эртаси унинг тақдири, қисматига айланди. Унинг қайси бир феелеътонини олиб қараманг, унда миллатни фожиа томон етаклайдиган омиллар очиб берилади. “Тинч иш” маколасида тирикчилиги йўлида имонини бой берган Шариф охунд, “Бизда аскарлик масаласи”да эса миллий армия қайғуси, “Бозор сурштирмайдир”да эса пайти келганда халқ манфаатини оёқ ости қилган кимсалар, “Ит уришдириш ишлари”да кўчада навқирон йигитларнинг ит уриштириб юриши аёвсиз танқид қилинади.

Муаллифнинг “Жасорат айб эмас” маколаси “Жасорат биткан эди, тил кесилган эди... Юрагимдаги бир оз умидни истисно қилганда бошқа нарсалар юлиниб-юлкинган эди”, деб бошланади. Ана шу икки жумлада катта ҳақиқатлар айтилади. Кодирийнинг услуби шундай. “Йигинди гаплар” маколаси адиб хаётини тутимларини белгилаб берувчи қийматга эга бўлиб, Абдулла Кодирий ижодида алоҳида ўрин эгаллайди. Ёзувчи бевосита ўша вақтдаги давлат раҳбарларидан бири бўлган Акмал Икромовга мурожаат қилади. “Мен ҳар қуни худога тўққиз мартаба осий бўлиб, ўн саккиз мартаба тавба ва истигфор айтаман. Исёним бепоён бўлганидек, истигфорим хадсиз ва лекин исёнсиз қолган соатимга жуда оз учрайман! Бас, онглагим эй Акмал! Тавбага бўйин буккан банда, бандаларнинг энг ярамасидир, қуллик бунёд қилган расво-расволарнинг яна ашаддий расвосидир. Айтмакчиманки тавбаси бошини есин, сен бўлсанг, ишингдан қолма, отингни чух, де! Ҳақиқат олдида бўйин эгиш тавбадир, ўзгаси гавгодир! Адиб бандага тавба қилишдан ҳазар қилади. Унга кўра инсон ёлғиз ҳақиқат олдида бўйин эгиш мумкин, бундан бошқаси мунофиқликдир. Инсоннинг хурлигига қарши қўйилган ҳар қандай тақдир чексиз исённи юзага келтиради. Ижодкорнинг таъқидига кўра “исёнсиз соати” деярли йўқ. Кодирий хаётининг ҳар бир дақиқаси исён билан “зийнатланган”. Бу англаб етилган умр фаласафаси. Исён қимга нисбатан, албатта ўзига, нафсига қаратилган. Адиб учун тавба фақатгина Яратганнинг олдида! Бундан бошқасига тавба қилиш қулликни юзага келтиришдан бошқасига ярамайди. Саволга жавобни ёзувчига замондошининг берган таърифини келтириш билан қифояланамиз. “Ул танқидчи. Танқидчи—адабиёт ва қисман сиёсат ва қисман хаётчи, билмайман, тагин нима танқидчиси. Бир ҳислати бор: жасорат, бепоён жасорат. Масалан, миллат дарёси олдида чикар экан, жасурона от кўюб дарёга ўзини ташлар”

— Абдулла Кодирий ижодида эстетик идеал масаласига қандай ёндашув лозим ва унинг ўзига ҳослиги нимадан иборат? Кейинги давр адабиётида идеал масаласи қай даражада ўз аксини топмоқда?

— Эстетик идеал масаласи адабиётшуносликнинг ҳам муҳим муаммосидир. Шарқ-Мусулмон дунёсида, туркий халқлар маданиятида пайгамбарлар хаёти ва Мухаммад С.А.В. сийрати, уларнинг хаёт йўллари, яшаш тарзи, фазилатлари доимо намуна, улгу вазифасини бажарган. Ҳар бир идеалда пайгамбаримиз тутган йўл таърифат ва эзгулик ўзига ҳос тарзда акс этади. XX аср аввалида ўзбек адабиётида ҳам мана шу намуна идеаллик мақомида турди. Эстетик идеалда ижодкорнинг оламни идрок этиши, англами, эътиқоди, диди, эстетик позицияси қаби жихатлар жам бўлади. Адабиётга ижодкор ўз шахсияти билан бирга инсоният тарахий тафаккуридаги ўлмас

идеалларни олиб киради. Ижод индивидуал жараён экан, идеал хам шахсий карашларнинг йигиндиси ва англамларининг хосиласидир. Чунки хар кимнинг ўз идеали, ўз кахрамони бўлиши хам табиий ходиса.

Абдулла Кодирыйнинг эстетик идеали жохилиятга карши курашувчи окил, миллат кайгусини чекувчи элпарвар, илми фарз билган маърифатпарвар, янгиликлар тарафдори бўлган замонасининг хурфикрли кишисидир. Бу унинг хаётий фалсафаси, дунёни англаши билан боглик. “Ўткан кунлар” романида муаллиф ислохатлар тарафдори бўлган Отабекни “очик кўзи, ўткир зехни”, Анварни “мияси мухокамага кобил” деб таърифлайди. Отабек учун “миллатини — халкини — мусулмонини”нг эртаси мухим, Анварнинг “маънавий маглубиятни” ўзи учун фожиа ўрнида кабул килиши бежиз эмас. Маънавий маглубият масаласи айникса, асар ёзилган йилларда ёзувчи хаётида жиддий ахамият касб этганлигини хисобга олсак, кўп нарсалар ойдинлашади. Отабек оила муносабатларида ва давлат юритиш сиёсатида ислохатлар тарафдори. Унинг киёфасида янги замон эхтиёжига кўра шаклланган Ўзбек характери мужассам. Анвар эса мустакил карашларга эга эътикодда собит, сиёсат фитналарини тўгри англовчи ва вазиятни аник бахолай оладиган шахс. Буларнинг барчаси адиб сийратидаги етакчи белгилардан сув ичганлиги сир эмас.

Шахснинг эрки ва хурлигидан айрилиши унинг маънавий инкирозга юз тутиши демакдир. Сабаби синдирилган шахсият — тобелик ва карамликни юзага келтиради, мустакиллигини бой беришга олиб келади. Кодирыйнинг кахрамони замонасининг комил кишиси, динида собит, эътикодида мустахам, хакикат ва адолат йўлида фидоий элпарвар одам. Чўлпоннинг Мирёкуби, Ойбекнинг Йўлчиси каби идеаллар даври талаби ва эхтиёжига кўра янгиланиб борди. А.Каххорнинг Саидийси “икки тўлкин” бошини тута олмаган аросат одамидир. У XX аср бошида тарафини белгилай олмаган, яъни Кибласини йўкотган зиёлининг тимсолидир. Бу романлардан сўнг ўзбек адабиётида эстетик идеал асл мохиятидан йироклашди, чин маънода мувозанатни йўкотди. Мафкура колипидаги ўткинчи кахрамонларнинг идеал бўла олмаслигига Вактнинг ўзи хакамлик килди. Орада тарихий мавзуга эътибор каратилди, мозийдан тарихий шахсларнинг образи идеал сифатида жонлантирилди. О. Ёкубовнинг “Диёнат”, Ў.Усмоновнинг “Гирдоб” асари кахрамони хакикат ва адолат йўлида курашда ўзининг мустакил дастурига эга идеал сифатида бўй кўрсатди. Кейинрок эса ижтимоийлашган бир катор идеаллар пайдо бўлди. Эстетик идеал масаласига истиклол даври ёзувчилари ижоди кесимида каралса, мулохазага чорловчи кизик жихатлар бор. М.М.Дўст ижодида бир катор миллий кадриятни махам тутган “чол”лар образи, Э.Аъзамда эса кинояни ўзига никоб килиб, жамият хаётидан чекинган кахрамонлар, А.Аъзамда эса жамият хаётида ўз ўрнини кидирган кимсалар киёфаси эстетик идеал тарзида намоён бўлди, назаримизда. Энг кизиги мазкур ижодкорлар асарларида мухаббат линияси орка планга ўтиб, ижтимоий масалаларга ургу берилди. М.М.Дўст “Лолазор” романида аёл образи талкинида ўзига хос усулни танлаган-ки, бунинг ўзи тадкикот учун алохида мавзу. Аслида, XX аср ўзбек насрида эстетик идеал талкини муаммоси кизик мавзу бўлиб, тадкик этилиши лозим бўлган масалалардан бири экан.

— Сухбат ўз ўзидан бугунги адабий жараёнга келиб богланди. Ўзбек насрида Абдулла Кодирый анъаналари давом этмокдами, кайси ижодкорнинг ижод намуналарида

анъаналар бевосита ёки билвосита намоён бўлмокда?

— Абдулла Кодирий ижоди ўзбек романчилигининг алифбоси десак, муболага бўлмас. Ижокор халки бор-ки адиб асарларидан ўзига мос ва хос равишда хикмат олади. Чўлпон ўз даврида ёзувчига алохида эхтиром кўрсатган, ижодий алоқада бўлишган. Ойбек эса “Кутлуг кон”ни ёзаётган паллада хар икки романчининг (Кодирий, Чўлпон) асарлари йўқ килинган, уларнинг номини тилга олиш ман этилган эди. Ойбек домла балки устозларнинг асарлари кайта чоп этишига ишонмаган бўлиши ҳам мумкин, аммо ёзувчи устозларини курук такрорламади, юрилган йўлдан кайта юрмади, уларнинг тажрибасидан унумли фойдаланди. Бугун жахон адабиётидан хайратлар туйиб турган ижодкор ҳам менимча, сўзнинг асл магзини адибнинг ижодий мактабидан ўрганади. Т.Малик Х.Дўстмухаммад, Х.Султонов сингари ёзувчилар ижодида Кодирийнинг таъсири очикрок кўринади. Уларнинг услуб ва усулларида бу хол ёркинрок кўзга ташланади. Баъзи ўринларда улар ўз асарларида адибнинг кахрамонлари исмидан тимсол сифатида фойдаланишади. Улар бошка ижодкорлардан фаркли равишда Кодирий руhini калбдан хис этишга харакат килишади, адиб ижодига айрича ихлос билан ёндашадилар. Шунинг учун ҳам уларнинг ёзганлари кодирийшуносликда алохида бир саҳифа ўрнида дейиш мумкин. Хорижлик ватандош ёзувчи А.Исмоилов биринчилардан бўлиб Кодирий сиймосини яратишга бел боғлади. У “Жинлар базми ёки Катта ўйин” номли асарини эълон килди. Асарни ўкиб шунга амин бўласизки, муаллиф Кодирийнинг ёзилмай колган “Амир Умархоннинг канизи” номли романини ўзи тугатишни ният килган шекилли деган хаёлга борасиз. Фактлар, ходисалар орасида муаллиф асл максаддан чалгийди, натижада романда Кодирий сиймоси фон вазифасини бажариб колгандай... Миллатнинг ёзувчиси хакидаги романда миллий рух сезилмайди. Аммо услубдаги ўзига хослик, вокеликни такдим этишдаги кутилмаган композицион усулларнинг кўлланилиши муаллифнинг услубини ва ёзувчининг махоратини кўрсатади. Муаллиф Кодирийни кандай таниса, билса, англаса шундай талкин килган. Аслида, шундай ижод шахсий ходиса, ижодкор тафаккури ва англамлари воситасида ижод килади. Шундай экан нега бундай ёздинг деб таъна килиш нохаклик бўлади. Х.Дўстмухаммад ёзувчига багишланган “Ёлғиз” номли биографик киссасини эълон килди. Киссанинг сарлавхаси жуда топиб кўйилган, аммо ички структурада кахрамон тасвирида бир хиллик сезилиб туради. Кодирий улуг шахсият сифатида талкин килинади, аммо бунга кандай эришилди, кахрамон табиатидаги зиддиятлар тўла очиб берилмагандай... Киссада фактлар устуворлик килиб, хужжатлилик бадийликдан бир оз илгарилаб кетгандай...

— Кодирий ижодини тубсиз бир уммонга менгзасак хато бўлмас, адиблар амири бўлган бу зот ижодининг кайси кирралари адабиётшуносларимиз томонидан ўз тадқиқини кутмокда? Адабиёт ва адабиётшунослик илми ихлосмандларига тилакларингиз?

— Ўтибор килган бўлсангиз юкорида кодирийшунослик алохида тармок сифатида шаклланганлигини таъкидлаб ўтдик. Хали килинадиган ишлар талайгина. Ёзувчининг кичик асарларини тизимли равишда ўрганиш, роман поэтикаси, ёзувчининг эстетик ва диний-фалсафий карашлари, бадий матнни ўрганиш каби масалалар очик мавзулардан бири бўлиб ўз тадқиқини кутиб турибди, дейиш мумкин. Колаверса, бугунги глобаллашув жараёнида адабиётшуносликда бадий асар ва матнга ёндашув усуллари тобора

кенгайиб бораётганлиги сир эмас. Хориждаги кодирийшуносларнинг ишларини ўрганиш, уларни адабиётшуносликка маълум килиш каби ишлар ҳам эгаларини кутмокда. Тадкикотчи мавзу танламайди, аксинча мавзу тадкикотчини танлайди, дейишади. Хар кандай мавзу бирданига сир бермайди, меҳнат ва сабр кутади, шундай кейингина маҳрамга айланасиз. Илмни воситаи чоҳ килмай, холис ният билан, тоза калб ва зехн заковат билан ишга ёндашув сизни илмга ошно килади.

Сухбат ҳам анаънавий жанрга айланиб улгурган. Хар нарсанинг боши ва охири бўлгани сингари гурунг ҳам тилаклар билан яқунланади. Биз ҳам анаънани саклаган холда тилаклардан олдин баъзи бир кайдларни айтмокка жазм килдик. Адабиёт илмига давогар бўлган хар бир тадкикотчи, халол ва холис бўлиши керак. Яширишнинг фойдаси йўқ, илмга бугун талаб ва таклиф турлича бўлмокда. Устозим Кўшжонов “илмга йўл йўлакай муносабатда бўлиш, одамни алдайди, шундай килсанг сенинг илминг ҳам йўлда қолади, охиригача боришга интил, мохиятга чуқуррок эътибор бер” дея таъкидлар эди. Бугун илмда мардикорчилик билан шугулладиган тоифалар борлиги сир бўлмай колди. Адабий далол деган янги “штат”лар пайдо бўлмокда. Ишини бировга ёздириб келиб, сизу биздан-ку майли, хатто Яратгандан ҳам кўркмай хаммани алдайдиган “илмшунос”лар борлигини индамай томоша килишга одатландик. Буни тўхтатиш кийин, эпидемияга айланган. Айримлари ишни ёздириб келиб яхшилаб ёдлайди, саволга жавоб бераётганда артист сингари роль бажаради, аммо ночорлари кўзини жавдиратиб туришдан бошка нарсага ярамайди. Кизиги ўзи “ёзган” ишни эплаб айтиб бера олмайди. Одамнинг юзи иссик деймиз. Сиз унга бировга ёздирдинг, кўчирдинг деб айтишдан истихола киласиз, аммо у бундай андишаларнинг кўчасини бузиб ўтишни койдага айлантирган, максадига етса бўлди. Илмни мукаддас бурч деб санаган катта даргаларимиз бирма бир хаётдан ўтиб бормокда. Уларга муносиб ворис бўлиш биз учун ҳам фарз, ҳам карз. Мана шу фарзлар ҳам аслида, бизга омонат эканлиги одамни ўйлантиради. Омонатга хиёнат килишдан Ўзи сакласин!

Илмга кириб келиш, амал ва аъмолингизни белгилашини унутманг. Шу бахона сизнинг тенгдошларингизга панд насихат, тўгрироги илтимос килсам. Доимо тўгри йўлдан юринг, эгри йўлдан узок бўлинг. Кингир йўл билан олим бўлган эртага тўгри йўлдагиларга тўсик бўлади. Чунки у бунгача сарфлаган пулини ишлаб олиши керак-ку! Ёзиш кўлидан келмаса далоллолик килади. Жуда билимли домлаларимиз нафснинг кўчаларида йўлдан адашиб кетишди, шундай “ясама” олимларни миллат илмига дахлдор килди, топгани йўкотганидан кўп бўлди. Йўлингизга эҳтиёт бўлинг! Ўз айтар сзингиз бўлсин. Сўзимни ёзувчининг гапи билан тугатаман. “Шахсий бутунлик, мустакил шахсият куллик билан зиддир. Шахсий бутунлиги бўлмаган, яъни ўзида хакикатни ихтиёр кила билиш кучи тополмаган ожиз, ихтиёрсиз одамлар жамият учун фойдалиқ ва чин агзо бўла олмаслар”.